

**Махсулот етказиб бериш тўғрисида
ШАРТНОМА № 22**

11 08 2022 йил

Термиз шаҳри

ООО "Termiz Daryo Porti" номидан Устав асосида иш юритувчи **С.Б. Холбаев** (кейинги ўринларда "БУЮРТМАЧИ" деб юритилади) бир томондан ва "KOMFORT MEБEL SERVIS" МСНУ" номидан корхона Устави асосида иш юритувчи корхона раҳбари И.Х.Юлдошев (кейинги ўринларда "ТАЪМИНОТЧИ" деб юритилади) иккинчи томондан бўлиб, қуйидаги шартномани туздилар

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "ТАЪМИНОТЧИ" ушбу шартноманинг 2.1. бандида кайд этилган микдорда, баҳоларда ва муддатларда "БУЮРТМАЧИ"га етказиб бериш, "БУЮРТМАЧИ" эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ

2.1. Шартномада кўрсатилган махсулотларни етказиб бериш шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

№	Товар моддий бойликларининг номи	ул. бирлиги	сони	нархи	сумма	ККС 15%	Сумма ККС	Жами сумма ККС билан
1	Спальный гарнитур (2-х спальная кровать 2100x1540x850, 2 тумбочки 400x450x360, одежный шкаф 1500x2200x600, трюмо 1200x400x1600) материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	комплект	79	6 520 500	515 119 500	15	77 267 925	592 387 425
2	Кухонный стол со стульями на 4 персоны размером 900*900*750. материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	комплект	79	886 500	70 033 500	15	10 505 025	80 538 525
3	Шкаф одежный для прихожей (размером 1200x300x2000). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	79	720 000	56 880 000	15	8 532 000	65 412 000
4	Мягкая мебель для зала (1 спальный диван 2000x810x850, 2 мягких кресла 830x850x810, хонтахта 1600x800x600). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	комплект	79	3 577 500	282 622 500	15	42 393 375	325 015 875
5	Кухонная мебель с мойкой по выбору заказчика. материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	комплект	79	4 761 000	376 119 000	15	56 417 850	432 536 850
6	Двухъярусная детская кровать (размером 2000x800x1600). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	6	1 480 500	8 883 000	15	1 332 450	10 215 450
7	Шкаф одежный детский (размером 1800x1200x500). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	6	1 543 500	9 261 000	15	1 389 150	10 650 150
8	Стол компьютерный (размером 1200x600x750). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	12	675 000	8 100 000	15	1 215 000	9 315 000
9	Стол для аудитории (размером 1400x700x750). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	9	526 500	4 738 500	15	710 775	5 449 275
10	Учебные столы (размером 900x600x750). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	87	351 000	30 537 000	15	4 580 550	35 117 550
11	Шкаф книжный (размером 2200x700x380). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	18	951 300	17 123 400	15	2 568 510	19 691 910
12	Шкаф книжный малый (размером 1800x800x380). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	3	951 300	2 853 900	15	428 085	3 281 985
13	Тумбочка армейская закрывающаяся (размером 400x400x650). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	48	318 600	15 292 800	15	2 293 920	17 586 720

14	Мебель офисная (1 стол руководителя 1800x750x750, стол приставной совещательный 1200x600x750, телефонный стол 800x400x650, шкаф универсальный 1440x380x1900). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	комплект	12	3 690 000	44 280 000	15	6 642 000	50 922 000
15	Стулья офисные (сильвер). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	120	589 500	70 740 000	15	10 611 000	81 351 000
16	Стул мягкий (размером 450x450x1000). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	54	342 000	18 468 000	15	2 770 200	21 238 200
17	Табуретка деревянная (размером 330x330x600). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	96	121 500	11 664 000	15	1 749 600	13 413 600
18	Шкаф одежный (размером 870x1900x600). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	18	1 197 000	21 546 000	15	3 231 900	24 777 900
19	Шкаф комбинированный (размером 2200x1300x400). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	27	720 000	19 440 000	15	2 916 000	22 356 000
20	Шкаф для хранения формы (размером 2700x850x500). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	9	933 300	8 399 700	15	1 259 955	9 659 655
21	Тумбочка для документов (размером 820x850x450). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	18	358 200	6 447 600	15	967 140	7 414 740
22	Стол для КОМНАТЫ связи универсальный (размером 2700x900x800). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	6	2 803 500	16 821 000	15	2 523 150	19 344 150
23	Кресло оператора мягкое. материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	6	2 020 500	12 123 000	15	1 818 50	13 941 450
24	Стол письменный однотумбовый (размером 1200x600x750). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	5	454 500	2 272 500	15	340 875	2 613 375
25	Стол парикмахерский (размером 1400x400x1900). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	3	1 057 500	3 172 500	15	475 875	3 648 375
26	Мягкое кресло парикмахерское. материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	3	2 425 500	7 276 500	15	1 091 475	8 367 975
27	Журнальный столик (размером 1200x600x650). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	3	895 500	2 686 500	15	402 975	3 089 475
28	Стол под телевизор (размером 1200x500x1550). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	3	454 500	1 363 500	15	204 525	1 568 025
29	Ремонт армейских кроватей (обшивка ламинатом). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	96	808 200	77 587 200	15	11 638 080	89 225 280
30	Шкаф одежный (размером 2100x1600x600). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	2	2 043 000	4 086 000	15	612 900	4 698 900
31	Шкаф одежный с полками (размером 2100x1600x600). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	2	1 588 500	3 177 000	15	476 550	3 653 550
32	Швейный стол (размером 1800x2500). материал, цвет и дизайн мебель по выбору заказчика.	штук	2	679 500	1 359 000	15	203 850	1 562 850
	ЖАМИ				1 730 474 100		259 571 115	1 990 045 215
	СУММА сүз билан	Бир миллиард түңқиз юз түңсон миллион қирқ беш минг икки юз ўн беш сўм						

2.2. “ТАЪМИНОТЧИ” томонидан “БУЮРТМАЧИ”га махсулотларни тўлик етказиб берилган кун, “ТАЪМИНОТЧИ” томонидан махсулот етказиб бериш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлари бажарилган сана деб ҳисобланади.

2.3. Буюртма қилинган махсулотларни “ТАЪМИНОТЧИ” ўзининг транспортларида “БУЮРТМАЧИ” га етказиб беришни ўз зиммасига олади.

3. МАХСУЛОТ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий қиймати **Бир миллиард тўққиз юз тўқсон миллион қирқ беш минг икки юз ўн беш сўм.**

3.2. Кўрсатилган хизмат хакини ҳисоблаш учун тарафлар ўртасида келишувга мувофиқ белгиланади.

3.3. “БУЮРТМАЧИ” ва “ТАЪМИНОТЧИ” га шартнома тузилган пайтдан бошлаб 5 кун муддат ичида маҳсулот хакини олдиндан 30% аванс тўлаб беради. Шартнома қийматининг қолган қисми маҳсулот “БУЮРТМАЧИ”га етказиб берилгандан сўнг тўлаб берилади.

3.4. Ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа тартиб усулларда амалга оширилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «ТАЪМИНОТЧИ»нинг мажбуриятлари:

4.1.1. Маҳсулотни сифатли ва шартномада белгиланган муддатларда бажариш;

4.2.2. Маҳсулотни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда “БУЮРТМАЧИ”га ўз вақтида топшириш;

4.1.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товарлар юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни пулини қайтариб бериш.

4.1.3. Маҳсулотлар сифати “БУЮРТМАЧИ” га мос келмаганда, бу ҳақида хабар берилгач, 3 (уч) банк кун ичида маҳсулотни сифатлисига алмаштириб бериш.

4.2. “ТАЪМИНОТЧИ” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1 Ушбу шартномага асосан тўлиқ етказиб берилган маҳсулотлар хакини “БУЮРТМАЧИ” дан талаб қилиш.

4.2.2. “БУЮРТМАЧИ”нинг розилигини олган ҳолда маҳсулотни муддатидан олдин етказиб бериш.

4.3. “БУЮРТМАЧИ” нинг мажбуриятлари:

4.3.1. Топшириш-қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда маҳсулотни миқдори, сифати ва бутунлиги бўйича қабул қилиб олиш;

4.3.2. Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулот келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу маҳсулотнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида бу ҳақда “ТАЪМИНОТЧИ”ни хабардор қилиш;

4.3.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда маҳсулот хакини ўз вақтида тўлаш.

4.4. “БУЮРТМАЧИ” қуйидаги ҳуқуқларга эга

4.4.1. “ТАЪМИНОТЧИ” дан маҳсулотларни сифати ва шартномада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш.

4.4.2. Етказиб берилган маҳсулотлар аниқланган камчилик ва нуқсонларни унинг талабига кўра сифатлисига алмаштириб беришни талаб қилиш.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ ВА МИҚДОРИ БЎЙИЧА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Маҳсулот “БУЮРТМАЧИ”га “ТАЪМИНОТЧИ”нинг транспортида етказиб берилади.

5.2. “ТАЪМИНОТЧИ” томонидан етказиб бериладиган маҳсулотларни сифати амалдаги давлат стандарти (ГОСТ,ТУ) талабига жавоб бериши лозим ва бу ҳақида “БУЮРТМАЧИ”га маҳсулот сертификатидан нусха берилади.

5.3. Маҳсулотлар миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш маҳсулотни қабул қилиб олиш жойида (БУЮРТМАЧИ ҳудудида) амалга оширилади. (Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Маҳсулотларни етказиб бериш ва тўловларни амалга ошириш муддатлари кечиктирилган тақдирда айбдор тараф иккинчи тарафга мажбурият бажарилиши кечиктирилган ҳар бир кунга 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори асосий қарзни 10 фоиздан ортиб кетмаслиги лозим.

6.2. Бошқа ҳолларда тарафлар шартномавий мажбуриятларни бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда мулкӣ жавобгар бўладилар.

7. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Шартнома тарафлар имзолаганиб Ҳазначилик органларидан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

7.2. Шартнома тарафларни келишуви билан ёхуд Фуқаролик кодексининг 282-383-моддаларида кўзда тутилган шартлар асосида бекор қилиниши, шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномага киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда қўшимча битим сифатида расмийлаштирилади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланиб, тарафлар учун бажариш мажбурийдир.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ҳодими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Узгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.4. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортикча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Тарафлар ўртасида вужудга келган ва келишув асосида хал қилиб бўлмаган барча низолар Тошкент туманлараро иқтисодий суди орқали хал этилади.

11. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

<p>“БУЮРТМАЧИ” ООО “Termiz Daryo Porti” Адрес: Республика Ўзбекистан, г. Термез, ул С. Термизий, 58 Тел: (+99876) 221 1515 Email: info@tdpuz.com P/c: 2021 0000 2003 1188 2001 АКБ «Азия Альянс Банк» Шайхонтохурский филиал, г.Ташкент МФО: 01057 ИНН:200475488 ОКЭД: 50400</p> <p>Рахбар М.У</p> <p>С.Б. Холбаев</p> 	<p>“ТАЪМИНОТЧИ” <u>"KOMFORT MEBEL SERVIS" MCHJ</u></p> <p>Манзил: SHODLIK MAHALLA A.HIDOYATOV 3B X/P: 20208000500617993001 СТИР: 303939584 Банк: ТЕРМИЗ Ш., АТ "АЛОКАБАНК" СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛИ МФО: 00967</p> <p>Директор М.У.</p> <p>И.Х. Юлдошев</p> 
---	---